

Меҳмонларимиз кўҳна ва навқирон Хивада



17:29 / 09.06.2022 1988

Юртимизнинг азиз меҳмонлари — шайх Муҳаммад Холид Хорса ҳамда шайх Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратлари Бухоро сафаридан сўнг очик осмон остидаги музей, тарихий обидалар гўшаси бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон бўлган кўҳна Хива шаҳрига ташриф буюрдилар.

Азиз меҳмонларнинг бу кунги ташрифлари Хивани дунёга танитган «Ичан қалъа» зиёратидан бошланди. Сўнгра Ичан қалъанинг марказий қисмида Ома дарвоза ва Полвон дарвозаларини бирлаштирувчи кўчада жойлашган Жума масжиди, яъни кўп устунли масжидда намоз ўқишди.

Кейин Урганч шаҳридаги «Фахриддин ар Розий» ўрта махсус Ислом билим юртига ташриф буюриб, у ерда хизмат қилаётган мударрислар ва таҳсил олаётган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг руҳий

тарбия устозларидан бўлган Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби зотларнинг устозлари ҳисобланган Юсуф ал Ҳамадоний ҳазратларининг рамзий қабрларини зиёрат қилдилар.

Меҳмонларнинг юртимиз бўйлаб ташрифлари давом этади.